Ҳурматли ўқувчилар, сизнинг эътиборингизга Ўзбекистон Республисида аёлларга ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатувчи давлат ва жамоат ташкилотлари тўғрисидаги маълумот ҳавола қилинмоқда.

Мазкур нашр халқаро кампания ҳисобланган "Уйдаги осойишталикдан ер юзидаги тинчлик сари" номли БМТнинг халқаро Акцияси доирасида тайёрланди.

Кампания доирасида Ўзбекистонда аёлларга нисбатан қўлланиладиган огоҳлантиришлар, қонунбузарликнинг олдини олиш чораларидан аҳолининг хабардорлиги даражасини ошириш ва бундай қоидабузарликка мойил бўлган шахслар билан индивидул-профлактика ишлари олиб бориш, аҳолининг, хусусан ёшлар ва аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Уни ўтказишда қуйидаги аҳамиятли саналарга алоҳида эътибор қаратилади.:

25 ноябрь – Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш куни. Айнан шу куни "Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кун жадал ҳаракат" кампанияси бошланади. Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш куни 1999 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан расман эълон қилинган.

1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни. Одам иммун танқислиги вируси ва орттирилган иммун танқислиги синдроми бутун жаҳон бўйлаб таҳдид билан тарқалмоқда. Аёллар инфекцияга кўпроқ мойиллиги сабаб эркаклардан кўра тезроқ касалланадилар.

3 декабрь - Халқаро ногиронлар куни – ногиронларнинг муаммоларига эътибор қаратиш, уларнинг шаъни, ҳуқуқлари ва фаровонлигини ҳимоя қилиш, шунингдек ногиронларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий турмушдаги иштирокида оладиган афзалликларига жамиятнинг диққатини тортишга йўналтирилгандир. 1992 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ногиронлар ўн йиллиги якунида (1983-1992) БМТ Бош Ассамблеяси 3 декабрь кунини Халқаро ногиронлар куни, деб эълон қилди.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун;

10 декабрь – Халқаро инсон ҳуқуқлари куни. 1948 йилнинг 10 декабрида БМТга аъзо мамлакатларнинг ҳукуматлари Инсон Ҳуқуқларининг Умуминсоний Декларациясини имзолашлари билан "истисносиз, барча кишиларнинг яшашлари, эркинликлари ва дахлсизликлари тўғрисида"ги инсон ҳуқуқларини тан олдилар. Айнан мана шу кунни аёлларга қарши зўравонлик ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши ўртасидаги рамзий ришта, дея таъкидланади.

"Уйдаги осойишталикдан ер юзидаги тинчлик сари" акциясида зўравончиликка қарши тамойилни қўллаб қувватлашда жамоатчиликка бирдамлик белгиси сифатида спортчилар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакилларининг қатнашишлари режалаштирилмоқда.

Мазкур чора-тадбирларнинг ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 августдаги баённомаси билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Тўртинчи даврий маърузасининг якунларига кўра аёлларнинг дискриминациясига барҳам бериш бўйича Қўмитанинг якуний фикрларини бажариш бўйича Миллий иш режаси 1, 4, 5, 19, 26, 35, 58, 64-бандларининг амалга оширилишидир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси 1991 йилда ташкил топган бўлиб, мамлакатнинг энг йирик аёллар ташкилоти ҳисобланади ҳамда республиканинг барча ҳудудларида ўз бўлинмаларига эга.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси аёллар, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизларнинг жамоавий-сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича катта ишларни амалга ошириши билан бирга аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, Ўзбекистон аёллар ҳаракатининг халқаро аёллар ҳаракатига интеграциясига кўмаклашади.

Фаолиятнинг асосий йўналишлари:

- аёлларнинг давлат ва жамоат қурилишидаги роли ва мавқеини ошириш;
- Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг хизмат ва вазифаларининг бажарилишини таъминловчи самарали бошқарув механизмларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш ;
- аёлларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларига ҳуқуқий, ижтимоий-руҳий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш;
- аёлларнинг репродуктив ҳуқуқлари ва репродуктив саломатликларини муҳофаза қилиш;
- аёлларнинг, хусусан, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳлари ижодий ва маънавий салоҳиятини ошириш.

Боғланиш учун маълумот:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй,
тел.: +998 71 239 40 42;
факс: +998 71 239 40 12;
Электрон манзил: ngo2012@inbox.ru

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси аппаратининг телефон рақамлари

Қабулхона	Тел:+998 71 2394042 Факс: +998 712394012
Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими	Тел:+998 71 2441630
Хотин қизларнинг жамоавий-сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўлими	Тел:+998 71 2391019
Таълим (жумладан диний) ва маданий даражасини ошириш бўлими	Тел:+998 71 2440458
Халқаро ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг (ННТ) фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими	Тел:+998 71 2440615
Ҳуқуқшунос	Тел:+998 71 2391076
Электрон манзил:	ngo2012@inbox.ru

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари

Қорақалпоғистон Республикаси	8 361 222-05-16	+99890 593-29-65
Андижон вилояти	8 374 222-15-60	8 374 222-24-19
Бухоро вилояти	8 365 224-28-65	+99890 711-48-79
Жиззах вилояти	8 372 226-39-54	+99891 567-72-27
Қашқадарё вилояти	8 375 221-08-10	+99891 224-27-85
Навоий вилояти	8 436 229-62-09 /95	+99893 319-30-91
Наманган вилояти	8 369 226-21-92/09	+99894 300-00-06
Самарқанд вилояти	8 366 235-21-02	+99890 743-79-70
Сурхондарё вилояти	8 376 222-82-26	+99890 521-24-61
Сирдарё вилояти	8 367 225-13-12	+99891 506-95-02

Тошкент вилояти	150-94-01	+99890 979-66-64
Фарғона вилояти	8 373 224-82-90	+99891 652-68-50
Хоразм вилояти	8 362 226-13-55	+99893 751-85-50
Тошкент шаҳри	8 371 233-47-59	+99890 918-4574

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Мақсад ва вазифалари:

- эркин ва очиқ, кучли фуқаролик жамиятини қуриш, жамият ҳаётини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш, модернизация ва ислоҳ қилиш, демократик кадриятларни фуқаролар онгида мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини кенгайтириш, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, ўз аъзоларига низомда кўрсатилган мақсадларини бажаришларида ёрдам бериш, шу орқали давлат ва жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотлари мавқеини янада ошириш;
- давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоат назоратини таъминлаш;
- бошқа ташкилотларнинг дастурлари ва иш фаолиятида фуқароларни миллий-маънавий ва тарихий меросимизга ҳурмат руҳида, айниқса, ёшларда миллийликни англаш ва уни ривожлантириш, ватанга муҳаббат ва садоқатни шакллантиришдаги устувор йўналишларни белгилашда кўмаклашиш;
- ижтимоий фикр ва онгни шакллантириш ҳамда ифода этиш, жамият ва давлат қурилишида фуқаро манфаатларининг воситачиси ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фукаролик жамиятининг барқарор институти сифатида ривожланишини қўллаб-қувватлаш, жамият ва давлат қурилиши жараёнида аҳоли манфаатларининг воситачиси бўлиш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари кучларини бирлаштириш ва улар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, уларнинг ишончли ва ҳаққоний ахборотга бўлган эҳтиёжларини таъминлашда қатнашиш;
- нодавлат нотижорат ташкилотларининг интеллектуал, моддий-техникавий ва бошқа ресурсларини энг зарур ва аҳамиятли дастур ва лойиҳаларни бажаришга сафарбар этиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан тенг ҳуқуқли икки томонлама ва ўзаро манфаатли мулоқот орқали нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари манфаатларини ифода этишдаги иштирокини таъминлаш;
- нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатлар ўрнатишнинг самарали тизимларини ишлаб чиқиш, уларни ҳокимият ва бошқарувга алоқадор бўлган турли ахборот ва маълумотлар, илмий-методик қўлланмалар билан таъминлаш;
- мамлакат аҳолисини, шунингдек, чет эл жамоатчилигини, республикадаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирок этишини рағбатлантириб туриш, ўзаро тушуниш ва бағрикенгликни қўллаб-қувватлаш;
- ўз аъзоларини зарурий ахборот билан таъминлаш мақсадида ахборот ресурс базасини яратиш;
- Ассоциацияга аъзо бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг моддий-техника ва молиявий таъминоти бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг чин мустақиллигини мустаҳкамлаш;
- нодавлат нотижорат ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимлар малакасини ошириш, уларни замонавий фикрлайдиган кадрлар билан

таъминлашга кўмаклашиш, ходимларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилишда фаол иштирок этиш;

- демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, устувор йўналишлардаги қўшма дастурларда иштирок этиш, инсон ҳуқукларини ҳимоя қилишни ўрганиш;

100005, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амира Темур шоҳ кўчаси, 14-уй

Телефон: (371) 233-46-81, 233-35-26 Факс: (371) 233-24-92

www.ngo.uz

Электрон манзил: info@ngo.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- бузилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида шикоятларни кўриб чиқиш, уларни тиклаш бўйича чоралар қабул қилиш;
- инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришга ва уни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштиришга кўмаклашиш;
- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, уларни ҳимоя қилиш шакллари ва усуллари бўйича аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида фуқароларнинг ижтимоий онгини оширишга кўмаклашиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги вазият тўғрисида йиллик маърузаларини тақдим этиши
- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига кимлар шикоят билан мурожаат қилиши мумкин?

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шу жумладан, агар розилиги бўлса, муайян бир киши ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун учинчи шахслар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили қандай шикоятларни кўриб чиқади?

Омбудсман фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузаётган давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва у ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга

Омбудсман арз қилувчига ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан ёки шикоят қилувчи, агар у ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул

қилинган қарорлардан қаноатланмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган охирги қарордан хабар топган пайтдан эътиборан бир йил давомида берилган шикоятларни кўриб чиқади.

Боғланиш учун маълумот: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 16А-уй,
Телефон/Факс: (998 71) 239 81 36
Электрон манзил: info@ombudsman.uz
www.ombudsman.uz

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази

Фаолият йўналишлари

1. **Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимояси ва уларга риоя қилиниши бўйича миллий маърузалар тайёрлаш.** Миллий маърузаларни тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралари миллий маърузага киритиш учун зарур бўлган ахборотларни тақдим этиш орқали иштирок этадилар. Маърузаларни тайёрлаш жараёнига инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни ҳимоя қилишга кўмаклашувчи фуқаролик жамияти институтлари ҳам кенг ва фаол тарзда жалб этилади.
2. **Қонун яратиш фаолиятида иштирок этиш.**
3. **Ахборот-маърифий ва таълим фаолияти.** Доимий равишда инсон ҳуқуқларининг турли масалаларига бағишланган халқаро, миллий ва минтақавий анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилади. Оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган.
4. **Халқаро ҳамкорлик.** БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт Дастури, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар Координатори идораси, ЮНИСЕФ ваколатхонаси, Германиянинг техник ҳамкорлик, Ф.Эберт номидаги жамғармалари ва бошқалар марказ ҳамкорлари қаторига киради.
5. **Ноширлик фаолияти.** Бугунги кунгача марказ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича 200дан ортиқ тўпламлар, китоблар ва бошқа адабиётлар давлат тилида кўп минг ададда чоп этилди. Марказ йилнинг ҳар чорагида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг муассиси, “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журналининг ҳаммуассиси ҳисобланади.
6. **Инсон ҳуқуқлари мониторинги.** Марказда фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш орқали уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиниш мониторингини олиб борувчи жамоатчилик билан алоқалар бўйича бўлим фаолият олиб боради. Бўлим ходимлари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий ҳимояланиш тартибини тушунтиради; фуқаролар ҳуқуқларининг бузилишларини бартараф этишга кўмаклашадиган бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатади; инсон ҳуқуқлари бузилиши сабабларини ўрганади, давлат органларига инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсади кўзланган тавсиялар тайёрлайди.

Фуқаролар ўз аризалари, шикоятлари ёки таклифларини почта орқали Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказига юборишлари мумкин.

Марказ томонидан қуйидаги телефон орқали бепул ҳуқуқий маслаҳат берилади:

+998 71 239 13 58

Марказ (Жамоатчилик билан алоқалар бўлими) ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) фуқароларни қабул қилади.

Боғланиш учун маълумот: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3
Тел: +998 71 239 43 39
+998 71 239 45 34
Факс: +998 71 239 13 56
Электрон манзил: office@nhrc.uz
www.nhrc.uz

«Аёллар Кенгаши» РЖБ

«Аёллар кенгаши» - оила, соғлом она, келажак авлодни муносиб тарбия қилиш ғояларини яқинлаштирган аёллар томнидан 2005 йил тузилган жамоат бирлашмасидир. Шунинг учун ҳам болалар, аёллар, оила “Аёллар кенгаши”нинг диққат марказида бўлади.

Асосий вазифалари:

- аёллар, уларнинг оиласи ҳаётини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- ҳаёт фаолият учун унумли муҳит, шарт-шароитлар яратиш, касб эгаллаш ва таълим олиш, хордиқ чиқариш, соғлом муносабат қуриш;
- болаларга мўлжалланган ва уларнинг маънавий ҳамда интелектуал ривожланишларига йўналтирилган лойиҳалар жорий қилиш;
- хайрия фаолиятини амалга ошириш;
- манзилли қўллаб-қувватлашни амалга ошириш;
- аёллар ва болаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

Боғланиш учун маълумот: Тошкент шаҳри, 100005, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 80-уй, 205-офис, тел./Факс (+998 71) 239 2928 239 2930, Электрон манзил: info@women.uz, jenskoe_sobranie@mail.ru
www.women.uz

“Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмасининг ҳудудий бўлинмалари

Қорақалпоғистон Республикаси	+99893 363-08-26	atanor@rol.uz, atoral@yandex.ru
Андижон вилояти	+99890 919-18-01 8 374 2222254	women_andijan@mail.ru
Бухоро вилояти	+99890 511-39-00 8 365 290-60-21	dilbar_ahmedova@mail.ru, osubukh@rol.uz
Жиззах вилояти	+99872 326-87-57	jizzahsilkroad@mail.ru
Қашқадарё вилояти	+99875 229-48-82 +99893 934-22-77	Oynisa-49@mail.ru
Навоий вилояти	+99898 571-10-40 +99879 910 01 00	agro_bank_97@mail.ru
Наманган вилояти	+99890 555-53-49 8 369 226-30-70	jenskoesobranie.nam@gmail.com
Самарқанд вилояти	+99890 600-10-12 8 366 234-34-93	feruza71@rambler.ru
Сурхондарё вилояти	+99890 186-36-08 8 376 222-88-34	nargiz74@mail.ru
Сирдарё вилояти	+99890 610-04-23 8 367 372 24 00	bekajon.yan@mail.ru
Тошкент вилояти	+99898 367-03-44 99871 250 40 56	gulnora0312@mail.ru
Фарғона вилояти	+99890 556-48-76 8 373 552-48-73	hadichahon@mail.ru
Хоразм вилояти	+99893 589-80-31 8 362 226-20-55	mirshael@mail.ru

Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази

Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази (ФТҚМ) - жамоат бирлашмасининг асосий мақсади аёлларнинг хабардорлиги ва ўзини ўзи англашларини шакллантириш масалаларини ижобий ҳал қилишга йўналтирилган фуқаролик ташаббусларини ривожлантириш ва кенгайтиришга ёрдам бериш, мамлакатнинг аёллари ва эркаклари орасида тенг ҳуқуқлилик ва тенг имкониятга оид масалаларни кўтариш, аёллар дискриминациясига қарши сиёсат асосида жамият, маданият ва иқтисодиётнинг ўзгаришига кўмаклашиш, шунингдек БМТнинг «Аёлларга нисбатан барча турдаги дискриминация шаклларини тугатиш тўғрисида»ги Конвенцияси - CEDAW ва 1325-БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясини амалга ошириш, ҳисобот ва мониторинг ўтказишилишида фаол иштирок этишдан иборатдир.

ЕИ лойиҳалари доирасида Тошкент, Навоий, Қўқон, Андижон ва Фарғонада Аёлларнинг ишбилармонлиги ва ижтимоий фаоллиги Марказлари (АИИФМ) ташкил этилди ва жадал фаолият олиб бормоқда. Ушбу марказларда аёллар ҳуқуқшунос, психолог ва бизнес маслаҳатчиларнинг бепул маслаҳатларини олишлари мумкин. АИИФМ қошида ишонч телефонлари ҳам ишлаб турибди.

Боғланиш учун маълумот:
ФТҚМнинг Тошкентдаги бош идораси:
100002, Тошкент шаҳар, Сағбон кўчаси, 223 А-уй,
Телефон + 999 71 227 19 29
Факс +99871 227 35 02
Ишонч телефони: +998 71 227 35 02
Электрон манзил: cisc.2004@yandex.ru

ФТҚМнинг шаҳар бўлими
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 5-тор кўча, Дўмбиробод, 23А-уй.
Ишонч телефони: +99871 279 3483

ФТҚМнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги бўлинмаси
230100, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри,
Дослиқ гузари 60-уй
Тел: +99893 366 25 77
Электрон манзил: uklara2009@rambler.ru

ФТҚМнинг Андижон вилоят бўлинмаси
170119, Андижон шаҳри, Тинчлик кўчаси, 3-уй
Тел: +99891 614 10 00
Электрон манзил: bhilola@mail.ru

ФТҚМнинг Фарғона вилоят бўлинмаси
150100, Фарғона шаҳар, Марғилоний кўчаси 4-уй, 41-хонадон
Тел/Факс: 8 (373) 224-78-38
Тел: +99895 400-90-22
Электрон манзил: cisc.fergana@gmail.com
ferwom@gmail.com

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси

Мақсад ва вазифалари:

Бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида аёлларнинг иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларнинг тадбиркрлик фаолияти ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, Ассоциация аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликнинг турли шаклларини ривожлантиришга кўмаклашиш, ҳамкорлик алоқаларининг ўзаро ишончли ва илиқ муҳитини мустаҳкамлаш.

Асосий фаолият йўналишлари:

1. Таълим;
2. Тадбиркор аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, лоббизм ва эдвокаси;
3. Иш бўйича алоқалар ўрнатиш;
4. Муқобил молиявий манбаларни тақдим этиш

Боғланиш учун маълумот:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 31-уй

Тел (998 -71) 253-89-47; 253-90-91
Факс (998-71) 253-89-47
E mail: gulnarauz56@mail.ru
www.bwa.uz

Ҳудуд	Иш телефони	Электрон манзил
Андижон вилояти	8-374-222-22-54 8374-290-65-65	saidahonbwa@mail.ru
Бухоро вилояти	8-365-572-24-92	Dilbar/ahmedova@mail.ru
Жиззах вилояти	8-372-780-62-63 8-372-226-45-47	
Қашқадарё вилояти	8-375-225-06-00 8-375-225-07-00	oynisa49@mail.ru
Қўқон шаҳри	8-373-552-54-31 8-373-552-42-58	
Навоий вилояти	8-436-225-45-82 8-436-221-03-19	g.aslanova@nv.uz
Наманган вилояти	8-369-226-50-19 8-369-226-30-70	lola-nom@mail.ru
Самарқанд вилояти	8-366-234-34-93 8-366-234-05-31	feruza71@rambler.ru
Сурхондарё вилояти	8-376-222-76-62 8-376-222-76-22	termezbwa@mail.ru
Сирдарё вилояти	8-367-225-16-40 8-367-225-05-87 8-367-225-35-17	
Тошкент вилояти	8-371-253-90-91 8-371-253-89-47 8-371-253-93-29	Ulug78@bk.ru
Тошкент шаҳри	8-871-232-12-69 8-371-233-79-36	Info.atlasko@gmail.ru
Фарғона вилояти	8-373-224-56-47 8-373-224-53-11	sezual@mail.ru
Қорақалпоғистон Республикаси	8-361-223-97-33 8-361- 223-88-59	kkayol@mail.ru
Хоразм вилояти	8-362- 226-40-61	khorezm@mail.ru

“IMKONIYAT” ННТ

Навоий вилоятининг “IMKONIYAT” нодавлат нотижорат ёшлар ташкилотининг асосий мақсади демократик жамият қуриш йўлида ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ролини кучайтириш йўли билан Навоий вилоятининг ёшлари ва аёлларининг ҳолатини яхшилашдан иборатдир.

“Ўзбекистондаги аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида, Европа Иттифоқи молиялаштирадиган Тошкент, Қўқон ва Навоийда ижтимоий маҳдудликни пасайтириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшма лойиҳаси бошчилигида 2010 йил бошидан бери ҳуқуқшунос, психолог ва бизнес маслаҳатчиларнинг бепул маслаҳатларини олиш мумкин бўлган “Аёллар маълумот хизмати” фаолият юритмоқда.

Ишонч телефони - **8 436 223 74 80**

Боғланиш учун маълумот: Навоий шаҳар, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 72-уй
Тел: +998 43622 2237480, Электрон манзил: centernv@mail.ru

Репродуктив саломатлик бўйича Ўзбекистон ассоциацияси

Вазифа – репродуктив ҳуқуқ, репродуктив саломатлик ва оилани режалаштириш соҳаларида ишончли ахборотни олишдаЎзбекистон Республикаси фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Мақсадлар:
- аёллар ва эркакларнинг келажак авлод саломатлиги олдидаги масъулиятининг барча чора-тадбирларини тушунишга кўмаклашувчи жинсий ва репродуктив саломатлик ва ҳуқуқ (ЖРСҲ) масалалари бўйича аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;

- ЖРСҲ соҳасида, жумладан оилани режалаштириш, жинсий йўл билан ўтадиган касалликларнинг (жумладан ОИВ/ОИТС) олдини олиш, ўсмирларни жинсий тарбиялаш, хавфсиз оналик бўйича аҳолининг ахборотга ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга кўмаклашиш;

- жинсий ва репродуктив саломатликни сақлаш ҳамда уйғун аҳлоқий-жинсий тарбияга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш;

- миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда давлат, жамоат, турли гуруҳлар ва барча манфаатдор кишилар билан ҳамкорликда оилани режалаштириш ҳаракатини тарғиб қилиш ва инсоннинг репродуктив ҳуқуқлари ҳақидаги ҳуқуқларини кенг ёйиш;

- Ассоциация фаолиятига кўнгиллилар, малакали ва ваколатли мутахассисларни жалб қилиш ва ҳамфикр кишилар ҳамда ҳамкорларнинг доирасини мунтазам кенгайтириб бориш.

Боғланиш учун маълумот: 100093, Тошкент шаҳри, Юнусобод – 4 мавзеси, А.Дониш кўчаси, 4-уй

Тел./Факс +99871 2216297, +99890 9047856 Альфия Акбарова

"Истиқболли авлод" ННТ

Тошкент шаҳридаги "Истиқболли авлод" ННТ Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашишга ихтисослашган етакчи жамоат ташкилотларидан биридир. 2001 йилдан бошланган фаолияти давомида мазкур нодавлат нотижорат ташкилоти 1000 дан ортиқ одам савдоси қурбонларига мажмуавий тарзда ёрдам берди, жумладан уларни ўз ватанига қайтаришда кўмаклашиш, уларни реабилитация қилишда руҳий, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ишга жойлаш ва муносиб ҳаётга қайтаришга катта ҳисса қўшди. "Истиқболли авлод" ННТ Ўзбекистоннинг аксарият вилоятларида шу турдаги ташкилотларнинг очилишига асос бўлиб хизмат қилди.

Ташкилотнинг мақсади: шахснинг баркамол ривожланиши учун ахборот, маънавий, ўқув ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали Ўзбекистоннинг ёшларига ёрдам кўрсатиш.

"Истиқболли авлод" ННТ қошида одам савдоси қурбонларини ўқитиш ва ишга жойлашга ихтисослашган ижтимоий корхона ташкил этилган.

2012 йилдан бери мазкур одам савдоси қурбонларини ижтимоий реабилитация қилиш хизмати ННТларни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги бошқа фуқаролик жамияти институтлари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, “Маҳалла” жамғармаси ва БМТТД томонидан ўтказилган қўшма мусобақа доирасида кўрсатилиб келинмоқда.

Боғланиш учун маълумот: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-даха, 25-уй, 31-хонадон
тел. +998 71 276 94 44

«Раҳмдиллик» ННТ

Самарқанд вилоятидаги «Раҳмдиллик» ННТ 2000 йилда ташкил топган бўлиб, унинг асоси мақсади вилоятдаги аёллар, болалар ва аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами вакилларини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

2012 йилдан бошлаб «Рахмдиллик» ННТ асосида мураккаб турмуш вазиятига тушиб қолган аёлларни ижтимоий реабилитация қилиш хизмати фаолият юритиб, у қуйидаги беминнат хизматларни кўрсатади:

- ҳуқуқий ёрдам – ҳужжатларни тиклашга кўмаклашиш, ҳуқуқий маслаҳатлар, судда манфаатларни ҳимоя қилиш, имтиёзлар ва ногиронлик ҳолатини расмийлаштириш;
- ижтимоий ходимнинг хизматлари - ижтимоий реабилитация, таълим ва даволанишга қайта йўллаш, касбга йўналтириш, ишга киришга кўмаклашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- психологик ёрдам - диагностика, танг вазиятни бартараф қилиш, ўзига ўзи баҳо беришни ошириш, шахсий алоқалар ўрнатиш;
- вақтинча бошпана бериш хизматлари;

Мазкур хизмат ННТларни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги бошқа фуқаролик жамияти институтлари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, “Маҳалла” жамғармаси ва БМТТД томонидан ўтказилган қўшма мусобақа доирасида кўрсатилади.

Боғланиш учун маълумот: Самарқанд шаҳар, Фирдавсий кўчаси, 35-уй, тел. +998 90 224 84 27

«Ойдин нур» ННТ

“Бухоро вилояти оилани ижтимоий ҳимоя қилиш маркази “Ойдин нур” ННТ 2007 йилдан бери Бухоро вилоятида фаолият олиб бормоқда.

«Ойдин нур» ННТнинг мақсади оилада ўзаро мос муносабатларни ривожлантириш, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва психологияга оид билимларини ошириш, оиланинг барча аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат.

2012 йилдан бошлаб «Ойдин нур» ННТ асосида оиладаги можаролардан жабр кўрган оилаларни ижтимоий реабилитация қилиш хизмати фаолият юритиб, у қуйидаги беминнат хизматларни кўрсатади:

- ҳуқуқий ёрдам – ҳужжатларни тиклашга кўмаклашиш, ҳуқуқий маслаҳатлар, судда манфаатларни ҳимоя қилиш, имтиёзлар ва ногиронлик ҳолатини расмийлаштириш, рўйхатга киришда кўмаклашиш;
- ижтимоий ходимнинг хизматлари - ижтимоий реабилитация, таълим ва даволанишга қайта йўллаш, касбга йўналтириш, ишга киришга кўмаклашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- психологик ёрдам - диагностика, танг вазиятни бартараф қилиш, ўзига ўзи баҳо беришни ошириш, шахсий алоқалар ўрнатиш;
- вақтинча бошпана бериш хизматлари;
- кечаю-кундуз хизмат кўрсатувчи телефон линияси.

Мазкур хизмат ННТларни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги бошқа фуқаролик жамияти институтлари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, “Маҳалла” жамғармаси ва БМТТД томонидан ўтказилган қўшма мусобақа доирасида кўрсатилади.

Боғланиш учун маълумот: Бухоро шаҳар, Руғангарон кўчаси, 31-уй, тел. 8 365 223 58 58

«Меҳр кўзда» ННТ

Тошкент шаҳридаги “Аёллар, болалар ва оилаларни ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш маркази “Меҳр кўзда” ННТ 2003 йилдан бери фаолият кўрсатиб келади.

Ташкилотнинг мақсади ҳуқуқий ва руҳан далда бўлиш, ҳуқуқий саводхонлигинии ошириш, зарур касбни эгаллаш ва ишга жойлашишда кўмаклашиш орқали аёллар, болалар ва оилаларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилишдир.

ННТ мутахассислари қуйидаги хизматларни кўрсатадилар**:**

- психолог маслаҳати, танг вазиятларда аёлларга руҳан далда бўлиш, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш;
- касб (тикувчи, зардўзи, компьютер саводхонлиги асослари ва пазандачилик каби) эгаллаш ва ишга жойлашишда кўмаклашиш;
- ўз тадбиркорлик фаолиятини очиш ва кредитлар олиш масалалари бўйича маслаҳат;
- танг вазиятларда ҳуқуқшуноснинг беминнат ёрдамини олишга кўмаклашиш.

Охирги 5 йилдаги муваффақиятлар:

- оиладаги зўравонлик, одам савдосидан жабр кўрган 300 нафар аёлга ҳуқуқий, руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди;
- кам таъминланган оилалардаги 700 нафар хотин-қизларга таълим берилди;
- 45 та ишсиз аёл корхоналарга ишга жойланди, шунингдек касаначи ва хусусий тадбиркор сифатида фаолият кўрсатишни бошладилар.

Боғланиш учун маълумот: **Тошкент шаҳри, Ғ. Мавлонов кўчаси, 52-уй.**
Тел. +998 90 168 92 04, + 998 90 978 55 50
Электрон манзил: mehr-kozda@mail.ru

http://mehr-kozda.uz

«Қалб нури» ННТ

“Фарғона вилояти аёллари ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази “Қалб нури” ННТ 2007 йилдан бери мураккаб турмуш вазиятларидаги аёлларга ёрдам бериб келмоқда.

«Қалб нури» ННТ аёллар ҳамда уларнинг оилаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши кураш, оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларнинг касбий таълими ва бандлигига кўмаклашиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш соҳаларида ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик хизматларни кўрсатади.

«Қалб нури» ННТ қошида қуйидаги йўналишлар бўйича ўқув-ишлаб чиқариш курслари очилган: кондитерлик иши, тикув маҳорати, сартарошлик санъати.

Боғланиш учун маълумот:
Фарғона шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 4-уй
тел. +8 373-222-51-03, 222-59-16, (ф)
prwm.fergana@gmail.com

ЎзННТМА ресурс марказлари тўғрисида маълумот

Қайдлар учун

Ҳудуд	ННТ номи	Боғланиш маълумотлари
Қорақалпоғистон Республикаси	ЎРСУ, Қорақалпоғистон филиали	+998907144185 gulija@mail.ru
Андижон вилояти	«Меҳримиз сизга» ННТ	+998906079559 halida05@gmail.com
Бухоро вилояти	«Истиқболли авлод» ННТ	+99890612-00-61 ist_avlod_bkh@mail.ru
Жиззах вилояти	«Истиқболли авлод» ННТ	+998905648181 djizzak_ia@mail.ru
Қашқадарё вилояти	«Юксалиш» ННТ	+998907201144 khz.yuksalish@mail.ru
Навоий вилояти	Навоий вилоятининг «Imkoniyat» ННТ	8 436 223 74 80 centernv@mail.ru
Наманган вилояти	«Ҳунарманд» уюшмаси	+998913569791 namhurarmand@mail.ru
Хоразм вилояти	«Интербилим» ННТ	+998937527262 interbilim@rambler.ru
Самарқанд вилояти	«Тенгдошим» ННТ	+998909507359 ngotengdoshim@gmail.com
Сирдарё вилояти	«Ҳилол» ННТ	+998911026000 dilfuz@mail.ru
Сурхондарё вилояти	«Аёл ва замон» ННТ	+998946025226 gulizamon@mail.ru
Фарғона вилояти	«Қалб нури» ННТ	+998905820477 tuhdamira@mail.ru